

“ТАЪСДИҚЛАЙМАН”



Қўйи Чирчиқ туман тиббиёт

Бирлашма бошлиғи

А.Р.Эшмуратов


Давлат харидини амалга ошириш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| №  | Бўлим номи   | Бўлинма изоҳлар  |
|----|--|--|
| 1  | Буюртма ташкилот номи  | Қўйи Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси   |
| 2  | Объект номи  | Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Беруний ОШП сининг Фасад ва навесларини жорий таъмирлаш   |
| 3  | Танлов тури  | Электрон   |
| 4  | Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили               | Махсус электрон портал <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a>   |
| 5  | Танловни ўтказиш мазили, жойи ва санаси                              | Тошкент вилояти Қўйи чирчиқ туман Махсус электрон порталда <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> даги эълонда белгиланган муддат давомида  |
| 6  | Танловда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли        | Талаб этилади  |
| 7  | Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади           | Махсус электрон портал <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a>   |
| 8  | Танлов иштирок этишга қўйидаги иштирокчиларга рухсат этилади         | Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин   |
| 9  | Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса)             | Талаб этилмайди  |
| 10 | Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати | Таклифларни топширишнинг муддатидан икки кун олдин   |
| 11 | Танлов таклифларини тақдим қилиш муддат                              | <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> даги эълонда белгиланган муддат давомида   |
| 12 | Танлов ҳужжатининг тили  | Ўзбек тили рус тилларида   |
| 13 | Қушимча ҳужжатлар руйхати  | Объект бошлангич нархининг 20%миқдоридан айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида банк маълумоти ёки айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисида банк кафиллиги Ушбу ҳужжатни тақдим қилмаган танловдан четлаштирилади.  |
| 14 | Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак                | Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқга эгалик. Солиқлар ва йиғимларни тулаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, Инсофсиз ижрочиларнинг ягона ресстрида қайд этилмаганлиги |

|    |  |  |
|----|--|--|
| 15 | Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили                                 | Таклифларни қабул охириги вақти <a href="http://etender.uzex.uz">http://etender.uzex.uz</a> сайтида кўрсатилган вақт ва муддат |
| 16 | Буюртмачи томонидан белгиланган ишларни бажариш (махсулот етказиб бериш) муддати | 30 кун   |
| 17 | Молияштириш манбаи   | Давлат бюджети маблағлари хисобидан  |
| 18 | Молиялаштириш тартиби  | Бунда Танловда қолиб чиққан иштирокчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказилади                |
| 19 | Шартнома тили  | Ўзбек тилида   |
| 20 | Шартнома валютаси  | Сумда  |
| 21 | Мурожаат учун телефонлар   | 99894-366-03-30  |
| 22 | Мурожаат учун масъул шахс  | Ш.А.Рахматов   |

Қўйи Чирчиқ ТТБ бошлиқ муовини:

 Ш.А.Рахматов

**“ТАЪСДИҚЛАЙМАН”**



**Қўйи Чирчиқ туман тиббиёт**

**Бирлашмаси бошлиғи**

**А.Р.Эшмуратов**

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Танлов хужжатларнинг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йуруқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: Қуйи Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Беруний ОШП сининг Фасад ва навесларини жорий таъмирлаш.

1.2. Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – июль ойига ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қуйи Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади)- танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. “Буюртмачи” манзили: Қуйи Чирчиқ тумани Беруний МФЙ.

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, ҳамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

**1) Асосий банк ҳисоб рақамларида қарздорлик мавжуд эмаслиги ва солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСИнинг маълумотномаси.**

**2) Ушбу фаолиятни бажариш учун гувоҳнома ёки лицензия мавжуд бўлиши.**

**3) Қурилиш соҳасида категорияга эга бўлиши.**

**4) Ишларни бажариш учун балансида етарли техника ва механизмлар мавжудлиги ва малакали ишчи ходим мавжуд бўлиши.**

**5) Ишлар сифатли бажарилиши зарурлигини инобатга олган ҳолда ушбу соҳа бўйича иш тажрибаси 5(беш)йилдан юқори бўлиши талаб этилади.**

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: Қайта ташкил этиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар:

мол- мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар ҳамда нархни 10 фоиздан ошиқ суний туширилган таклифлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

а) Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

б) Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

а) Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.5. Танлов иштирокчилари:

- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади.

- Таклифларни бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлигини ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдирлар.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли.

Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборат порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушинтиришларни тақдим қилиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.